

*О. Салоҳиддинов, З. Валиева*

# Устоз шифокорнинг хикматлари



Ал-Иброн 2007

**МУАЛЛИФЛАР:** **ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ**  
*Тиббиёт фанлари доктори,  
профессор*

**ВАЛИЕВА ЗУЛФИЯ**  
**САЙФИТДИНОВНА**  
*Ассистент*

**НАШРГА**  
**ТАЙЁРЛОВЧИ:** **ТУХТАБОЕВА М. Х.**  
*Клиник ординатор*

*Андижон Давлат Тиббиет институти ички  
касаликлар пропедевтика кафедраси*



**С. Ю. ТУРСУНОВ**  
Узбекистон Республикаси фан  
арбоби, профессор, кафедра мудири

**Андижон-2007**

## К И Р И Ш

Юртимиз истиклол нашедасидан бахраманд булганига 15 йил булди. Бу давр мобайнида Республикада талайгина кувончли муваффакиятлар кулга киритилди, оламшумул узгаришлар руй берди. Маънавийт сохасида ҳам сезиларли узгаришлар булаяпти. Барча илм-фан ахллари бой маданий меросимизни урганишда, утмиш мутафаккирлари, устозларимиз асарларини чоп этиб, халкка етказишда, миллий кадрятлиримизни тиклашда катта ва хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу йиллар давомида Имом Ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Ахмад Ал-Фаргоний, Баховиддин Накшбанд, Хужа Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Махмуд Аз-Замахшарий, Хужа Ахрор Валий, Абдухолик Гиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чулпон, Махмудхужа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий мустакиллик фидойиларининг номлари юзага чиқарилди.

Янгидан шаклланиб, тарихий, миллий анъаналари заминида таомили тикланиб келаетган мафкуранинг асосий максоди жамият аъзоларини маънавий жихатдан юксалтириш, хар томонлама етук ва баркамол инсонни тарбиялаш, ешларга ахлокий фазилатларни сингдиришдан иборатдир.

Халкимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётӣ таҷриба туплаган, шу таҷриба мерос сифатида келажак авлодларга утиб бормокда. Макол ва хикматли сузлар ҳам ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади.

Хикматли сузлар ҳар бир халқда мавжуд. Улар мазмунининг уткирлиги, зукко ва оқилоналиги, кувнок ва аччиклиги билан тилдаги бошқа суз ва иборалардан ажралиб туради.

Шу боис, хикматли сузлар инсонлар аклини уткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тугри йул танлай билишга, ҳаётӣ жумбоклар ва муаммоларни тугри ечишга ургатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

«Хикматнома» китобида айтилишича, инсон насли инсон булиб, кули ишга, тили сузга келиб, бир-бири билан муомала қила бошлабдики, яшаш дарсини уқийди ва то шу кунгача бу дарс тугамаган. Ҳаёт илмини тугал англамокка нафакат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди.

Йул юриб кетаётган инсофли одам беҳосдан чуқурликка тойиб кетди, дейлик. У урнидан туриб, этак қоқиб кетавермайди. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин, деб чуқурни текислаб қуяди еки бирорта таекни суқиб, белги қуийб кетади.

Бу, эй йуловчи, эҳтиёт бул, бу ерда чукур бор, кузингга кара, деган ишора булади. Хикмат ана уша таекдир.

Одамлар бошқаларни уйлаб, бекилган булокнинг кузини очадилар, дарахт экадилар. Буни мендан кейин дунегга келувчилар ташналик азобини курмасинлар, очликдан, офтоб тигидан кийналмасинлар, деб киладилар. Боболар хикмати ана шу булок, дарахтдир.

Одамлар масжид ва мадраса курадилар, йул солиб, куприк курадилар, мехмонхоналар тиклайдилар. Улар бу ишларни узларидан кейин келувчилар имонли, илм-маърифатли булсинлар, эллар, юртлар уртасида яхши борди-келдилар булсин, деб киладилар. Хикмат анна уша йул, куприк ва мехмонхоналардир.

Хикмат, хикматли сузлар биз учун асрларнинг садоси, узок утмиш билан хамнафаслик хиссини уйготувчи мангу чакирик, замонлараро куприкдир.

Хадиси шарифда: "Хикматли суз-мумин кишининг йукотган нарсаси, уни каердан топса, олишга хаклидир", дейилади.

Одатда, киши канчалик **истеъдодли** булса, унинг чукур маъноли иборалари узига хос хикматга айланиб кетади ва эл орасида кенг таркалиб, турли жойларда тез-тез тилга олинадиган, такрорланадиган булиб колади.

Агар сиз Абу Али Ибн Сино, Ал-Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, А.Орипов, Э.Вохидов каби олим ва шоирларнинг ижоди билан танишсангиз, уларда жуда куплаб хикматли сузлар борлигининг гувоҳи буласиз. Сиз хикматли сузларни олимлар, шоиру-езувчилар еки бошка одамлар кандай уйлаб топишади, деб кизикарсиз. Хикматли сузлар, иборалар уйлаб топилмайди, тукиб чиқарилмайди. Улар узок йиллик турмуш тажрибаларига эга булган, хаётнинг аччиқ-чучугини куп тортиб, ундан тегишли хулосалар чиқара олган инсонларнинг фикр-мулохазалари, хукми, угити, панд-насихати сифатида юзага келади.

Хикматли сузлар купчилик томонидан жуда куп марта синалган хақиқатлардир.

Бизнинг нуфузли институтимизда хам узларининг хикматли сузлари билан барчага хаёт сабогини беришда машхур булган олимлар хизмат килганлар ва килмоқдалар.

Шулардан бири, Узбекистон Республикасида хизмат курсатган фан арбоби, Нью-Йорк фанлари хамда Халқаро экология ва хаёт академияларининг академиги, С. П. Боткин номидаги халқаро мукофот совриндори, институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудир, тиббиет фанлари доктори, профессор Сайфиддин Юнусович Турсуновдир.

Бир асрда айтилганидек, кимдир сокин, жим яшайди, яшаб утганини хам билмай коласан. Бундай умр чузилиб кетгандек туюлади. Кимлардир даредек жушиб, хайкириб, гуеки «шовкин» солиб яшайдики, уларнинг борлиги, истеъдодли ва меҳнати, фидойилиги ва жонкуярлиги барчага аён булди. Купчилик шуларга талпинади, уларнинг рухидан озгина булса-да кувватланишга интилади. Бундай кишилар ён атрофидагиларга гуёки хаётий куч улашиб яшайдилар. Улар босиб утган йул, амалга оширган эзгу ишлар ёшлар учун ибрат намунасидир.

Профессор С.Ю.Турсунов ана шундай имони пок, меҳнати билан эл-юртнинг хурматини козонган, ишлаган жойида яхши ибрат курсатган, ёшларга устоз, ҳамкасбларига маслахатчи, уз касбининг фидойиси сифатида танилган инсондир.

Куйида, биз устоз каламига мансуб хикматли сузларни эътиборингизга хавола этамиз.

### **УСТОЗ ШИФОКОРНИНГ ХИКМАТЛАРИ**

1. Беморнинг давоси шифокор юрагида.
2. Беморга дори ёзиб бериш, даволадим деган суз эмас, унга шифокор уз калб куруни бергандагина шундай дейишга ҳақлидир.
3. Беморнинг касаллигинигина эмас, балки хаёт тарзини хам билиш -тез даволашнинг қафолатидир.



4. Профилактика ширидан профилактика амалиётига утиш зарур.
5. Инсонлар рахбарлик амалига бир хил обру билан келишади, амалдан хар хил обру билан кетишади.
6. Шифокорнинг иш жойи бемор ёнида.
7. Хар кандай яхши нарсанинг оркасида ёмонлик хам булишини унутманг!
8. Тирикликда улим хаклигини эсда тутмокликнинг белгиси, уз саломатлигига эътиборлигидан билинади.
9. Беморга юз марта оғзаки хамдардлик билдиргандан кура, бир марта бошини силаган афзал.
10. Гарб ва Шарк табобатини бирлаштириб куллашни Ибн Синодан урганайлик!
11. Шифокорнинг узи ва сузи шифо, унинг одоби яна бир шифо.
12. Шифокорнинг улуги-узи даволаган беморларнинг рухиятини уз юрагидан утказганидир.
13. Шифокор биринчи навбатда инсонларга меҳр улашувчидир.
14. Хакикий шифокор сиёсатдан юкори, иктисодиётдан паст туради, лекин Ватаним, халким деб ёниб яшайди.
15. Ёмондан хам яхши хислатларни излаш-муминликдир.
16. Инсон улиш учун тугилмайди, узи ва инсоният абадияти учун тугилади.
17. Оммавий ахборот воситалари ходимлари туртинчи хокимият вакиллари булиш учунгина эмас,

балки халкнинг юраги ва ишончи булиш даражасига интилишлари лозим.

18. Экстрасенс, «табиб» ларнинг купайиши-согликни саклаш тизимининг ношудлигидан далолат.

19. Беморга тезкор ёрдам курсатиш-бу унга икки баробар ёрдам курсатиш демакдир.

20. Одатда инсонлар бемор булиб колгандагина шифокор билан дустлашишга харакат килади, лекин шифокор эса улар билан хали унинг тили чикмай туриб дустлашишга харакат килмоги лозим.

21. Оилавий шифокор- профилактик шифокор.

22. Устоз шогирдни эмас, балки шогирд укиб, интилиб, уз устозини топади.

24. Шогирдлик азиятини чекмагунча, устозлик мартабасига етиб булмас.

25. Дехкон мехнатиниг меваси бир йилда куринса, олим мехнатинг меваси узок йилларда куринади.

26. Бемор наслини билмай туриб, унинг аслини билиб булмайди.

27. Илмли булиш узи савоб, уни унумли сарфлаш яна бир савоб.

28. Табобат илмини укиб, ёдлашгина эмас, балки унинг чукур маъноси тубига етиб, амалиётда куллаш хам санъатдир.

29. Касаллик-бу инсонниг уз солوماتлигига эътиборсизликдир.

30. Соглом булмоклик-бу хаёт фалсафасига амал килмокликдир.

31. Мустакиллик-бу бир тизимдан иккинчи бир тизимга утишигина эмас, балки инсоннинг ёруг дунёга келиши билан кузи очилган каби неъматдир, эркин яшаш бахти, орзуларнинг руёбга чиқишидир.
32. Беморни даволаш учун шифокорнинг тилигина эмас, балки калби ҳам сузлаши керак.
33. Бемор учун илмсиз шифокордан, билимдон хамшира яхши.
34. Янги дорини синашнинг энг яхши усули, бу шифокорнинг узида ёки куз олдида синашдир.
35. Шифокорнинг китоби- унинг беморидир.
36. Илмга, касбга ва инсонга фидойилик-бу шифокорликдир.
37. Шифокорлик мактабини утмаган, устозлар дуосини олмаган, беморлар дардини калбдан утказмаган инсон хақикий шифокор була олмайди.
38. Агар диагностика ва даволаш стандарти индивидуалликни инкор этса, уни исботланган тиббиёт деб булмайди.
39. Жамоанинг меҳнати ва ютуклари жамоа аъзолари хаётини яхшиламас, унга берилган мукофот еки мартаба не керак.
40. Бойликнинг калити-саломатлик кулида.
41. Бепарво шифокор-бедаво шифокор.
42. Устоз курмаган олимдан олим чикмайди.
43. Умумхалк саломатлигини кутармай, беморларни согломлаштириб булмайди.

44. Хуш хулкли инсонларда бор камчиликларни ёки боадаб кишилардаги маънавий устунликларни тола олиш –маънавият фалсафасини билишдир.
45. Шифокор беморга узи укиб, куриб, ишонган дорисини эмас, балки бировдан эшитган дорини тавсия этиши огир гунохдир.
46. Инсоннинг умрбокийлиги-унинг калбидаги меҳрининг бекиёслигига боглик.
47. Табобат илмининг курсатмаларига амал килиш хам уз инсонлик бурчини адо этмокликдир.
48. Табобатда касалликнинг атрофлича урганилмаган, аник текширилмаган даволаш услубларини талабалар уртасига олиб чикиш, келажакда унлаб беморларнинг умрига завол булиш билан тенг.
49. Тугилган чакалокни ота-она бир дакика назоратсиз колдирмаганнидек, фарзандлар хам ота-онаси улуг ешга етганларида, уларни назоратсиз колдирмасликлари керак.
50. Юрак мусика асбоби эмас, балки узи мусикага мухтож.
51. Хар кандай жамиятда тугрилардан ташкари, угрилар ва бурилар булади, шунинг учун, инсонлар доимо огох ва хушер булишлари керак.
52. Илмда обру топганлар доимо аник далилларга асосланганлар.
53. Илм ахли илмни улуглайди, уни хеч қачон камситмайди.

54. Мен уз хикматларимни топдим, шогирдим  
Одилжон хожи туфайли улар уз китобхонларини  
топди.
55. Рахбарнинг кошу-ковогига караб иш юритишлик,  
куйнинг бури рупарасида туриб овкатланиши билан  
тенгдир.
56. Шифокорлик ва амалдорлик фалсафасини бир  
бошга жойлаштириб булмайди.
57. Тарбия ишларида аввало амалиет, сунгра  
назариет зарурдир.
58. Устозни улуглаш-илмни улуглаш демак.
59. Сино табобати-дуне табобати.
60. Бой бул, бошкаларга хам бойлик тила.
61. Амалсиз илм-елкадаги кераксиз юк.
62. Тугрилиқнинг кузгуси-мантик, унинг белгиси-  
юрақдир.
63. Инсон нафакат даврга, балки уз саломатлиги ва  
имкониятларига хам караб хаёт кечирса, унинг умри  
узок ва файзли булади.
64. Бемор уз шифокорини танлашга хакки бор, лекин  
шифокордан уз фикри билан даволашни талаб  
этишга хакки йук.
65. Килинган меҳнат асло эътиборсиз хам,  
назоратсиз хам колмайди.
66. Инсон бажараетган ишини назоратда эканлигини  
унутмаса, хатога йул куймайди.
67. Хатто сабабли булса хам, у барибир хато.

68. Рахбарда инсонларга хос кусур булиши мумкин, лекин у адолатсиз булмаслиги шарт.
69. Кадамнинг якунини уйлаган шахс хеч адашмайди. “Уйлаб кадам бос!” деб шунга айтсалар керакда.
70. Киришдан аввал чикишни, ухлашдан аввал уйгонишни, гапни бошлашдан аввал якунлашни, пул топишдан аввал сарфлашни уйлаган одам хаётда кам кокилади.
71. Минг афсус, нон, тузни ердан олиб упамиз-у, лекин гохида улуг инсонларни сабабсиз ерга урамиз.
72. Доимо илжайиб тургандангина эмас, балки хумрайиб тургандан хам курк.
73. Дустинг амалдор булиб колса, бир саломингни камайтир агар у амалдан тушса, боягидек икки саломли бул.
74. Хар ким хам тириклигида улуг деб тан олинмайди, чунки у нур таратиб турибди. Нур сунуши билан еруглик кадри билингани каби, унинг улуглиги тан олинади.
75. Юзга кирганнинг юз фазилати бор.
76. Дустингнинг фидойиси- сенинг бахтинг.
77. Калбида Оллох, кулида табобат илми билан Ватанига ва халкига хизмат килган инсон-Ибн Синодир.
78. Шогирд устозиниг илми билан хаёт фалсафасини олса, у хам илмли, хам билимли булади.
79. Арпа нонини емаган – саломатлигини топмайди.
80. Ойна инсон учун ташки кузгу булса, шифокор

унинг учун ички кузгудир.

81. Энг катта неъмат-инсон манфаатлари учун яшашдир.

82. Инсонлар бор, инсонларнинг дардидир, инсонлар бор, инсонларнинг малхами.

83. Диний ва дунёвий илмлар уйгунлиги- миллийлик белгиларидандир.

84. Наслимиз, имонимиз поклиги авлодимиз, келажагимиз поклиги.

85. Шифокорга бориб вақт йукотдим деманг, умримга умр кушилди денг.

86. Пазанда мактовин киркда сезади, шифокор мактовин – юз ёшда.

87. Бемор шифокорга вақти булганида эмас, балки касалликни вақти келмай боргани яхши.

88. Шифокорлик- бу оддий хизмат эмас, балки бурчдир.

89. Шифокор беморнинг калбига малхам, саховати эса – рухига малхам.

90. Халки бой давлат – бой, лекин тескарисимас.

91. Ишончсизлик-душманлик белгиси.

92. Инсонларча яшашни урганмок, хаётни узайтирмок дегани.

93. Карилик-инсон фаслининг кузи ва кишидир, шу фасллар таровотидан гузалдир.

94. Инсонинг умрбокийлиги унинг калбидаги меҳрнинг бекиеслигига боглик.

95. Ватанга шундай хизмат килгинки, у сени асло унутмасин.

96. Бу хаётнинг узи ажойиботларга бой.
97. Осон эришилган галаба тез унутилади.
98. Адолат-бу шиор эмас, балки калбдаги амалиёт.
99. Девордаги дарча, юмшатар кушнилари юрагин анча.
100. Инсонлар йукликни ҳам, тукликни ҳам кутара олмайди.
101. Тирикликнинг белгиси-бошкаларга кераклигинда.
102. Кунун устувор дьерда, хамма нарса бисер булади.
103. Келажакда даволаш масканларидан кура, дам олиш масканлари куп булади.
104. Озодликка халк эришади, демак озодлик-халкникидир.
105. Халк талабини факатгина халкнинг узи бажара олади, агар давлат халкники булса...
106. Халқдан акллирок кимсанинг узи йук.
107. Амалдорлик ешларга ярашади, агар маслахатчиси нуронийлардан булса...
108. Соглом юришликнинг белгиси-турт нарсадир, булар: сифатли овкатланиш, жисмоний фаоллик, осойишта ухлаш, атроф мухитдан рухий тетиклик олиш
109. Узингизни нафакат емон ниятлардан, ёмон ишлардан, балки емон «дуст»лардан хам саклашни билинг.
110. Шифокорнинг нияти ва беморнинг ихлоси - согайишнинг гаровидир.



111. Хайрли ишларни бировдан сурамай килаверинг.
112. Шифокор амалдор билан ҳам, бемори билан ҳам хамтовок булиб кетмаслиги зарур.
113. Инсонни синаш учун амал берибгина эмас, балки оегини босиб ҳам куриш керак.
114. Ватанни севмок- иймондандир, инсонни севмок-ота-онадан, аммо беморни севмок яратгандандир.
115. Умуминсоний маънавиятни ва тиббий махоратни эгаллаган шифокор- етук шифокордир.
116. Инсонга ҳамма нарсанинг куплиги камлигидан зиенлирокдир, факатгина яратганга, ота-онага меҳрдан ташкари.
117. Масканлар бор улугларнинг номида,  
Масканлар бор угриларнинг догида.
118. Хакикий шифокор доимо бир бемор енида утира олмайди, аммо зарур дакикада йук булиб ҳам кола - олмайди.
119. Тиббиетда стандартизация эмас, балки индивидуал даволаш афзалдир.
120. Шифокорга бемор эмас, балки беморга шифокор беморликни ният килувчи булиб колади.
121. Фалсафа- бу хаёт жумбокларини ечувчи калитдир.
122. Барча балоларимиз- елгондандир.
123. Шифокор нафакат тиббий, балки фалсафий илмли ҳам булса, олим шифокор булур.

**Яхши шифокор-** Уз мутахассислиги буйича  
илмни чукур билувчисидир;

**Аъло шифокор-** Уз мутахассислигини,  
инсонни ва унинг барча хасталикларини  
яхши билувчисидир;

**Улуг шифокор-** Табобат илмини ва инсонлар  
хаёт фалсафасини аъло билувчисидир.

*Проф. С. Ю. ТУРСУНОВ*

